

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ





АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМЛИ  
БОҒ ДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИСТИҚОТИ



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИДЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ  
МАҚОЛАЛАРИ ТЎПЛАМИ

Тошкент, 2017 йил 11 сентябрь



стве до 2,0-2,5 м<sup>2</sup> на отдельное растение, с хорошо развитой корневой системой и побегообразованием

3. Плантация двухлетних маточных кустов айвы способна обеспечивать получение до 90% стандартных отводков или 150-180 тыс. шт/га, что достаточно для закладки 3,0-3,5 га очередного поля питомника для выращивания сортовых саженцев.

#### **Использованные литературы:**

1. Колесников.В.А., Агафонов.Н.В. Плодоводство. – М.: Колос, 1979. – С. 220-224.

2. Кудрявец Р.П. Плодовый питомник. – М: Колос, 1978. – С. 50-57.

3. Майдебур В.И, Васюта В.М и др. Справочник «Плодовые культуры». – М.: Агропромиздат, 1991. – С. 75-78.

4. Татаринов А.Н, Зуев В.Ф. Питомник плодовых и ягодных культур – М.: Россельхозиздат, 1984. – С. 37-43.

### **ЛИМОН ЎСИМЛИГИ ЯШИЛ ҚАЛАМЧАЛАРИДАН КЎЧАТИНИ ЕТИШТИРИШ**

**Ибодуллаев Ҳ.И.<sup>1</sup>, Маликов А.Н.<sup>2</sup>**

*Тошкент давлат аграр университети<sup>1</sup>, Академие М.Мирзаев номли боғдорчилик,  
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти<sup>2</sup>*

**Кириш.** Маълумки, сифатли ва экологик тоза кўчатлар етиштириш мевачилик тармоғининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади, чунки унда ота-она генетик белгиларининг қуйидаги мажмуи мужассам бўлади – габитус, тезпишарлик, узоқ яшаши, ўзидан чангланувчанлик, жойнинг экологик шароитларига мослашувчанлик, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик, ҳосилдорлик ва меванинг товар сифатлари. Аниқлан-ишича, фақатгина ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиб, ўсимликларнинг маҳсулдорлигини 30-40% га ошириш мумкин.

Лимонни ҳам уруғидан, ҳам вегетатив йўл билан кўпайтириш мумкин. Экиш материални етиштиришнинг ҳар бир усули ўзига хос салбий ва ижобий кўрсаткичларга эгадир. Уруғидан кўпайтириб, унга навдор ўсимликларнинг куртагини пайванд қилиш орқали стандарт кўчат ишлаб чиқариш уч йиллик даврга эга бўлиб, катта молиявий маблағ талаб этади, бунда ўсимликлар бешинчи-олтинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради.

Лимон кўчатларини етиштиришнинг бошқа бир усули, бу уларни шу йилги вегетациядаги яшил ёки ярим ёғочлашган қаламчалардан вегетатив йўл билан кўпайтириш ҳисобланади. Ушбу усулда етиштириш-да кўчатларни тайёрлаш даври бир йилгача қисқаради. Кўчатлар бундай усулда етиштирилганда иккинчи-учинчи йилги ўсув даврида ҳосилга кира бошлайди. Кўчат етиштиришнинг ушбу усули кўчатзорнинг ҳар бир квадрат метрдан 100-150 тагача стандарт кўчат олиш имконини беради.

Тошкент давлат аграр университетида 1990 йилдан буён мевали, ток ва цитрус ўсимликларнинг кўчатларини жадал етиштиришнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўп

йиллик тажриба натижаларининг кўрсатишича, кўчатларни микроиқлими бошқариладиган махсус плёнкали иссиқхоналарда яшил ва ярим ёғочлашган қаламчалардан етиштириш энг мақбул ва самарали усул ҳисобланади.

Лимон кўчатлари етиштиришда қаламчаларни узунлиги жуда катта аҳамиятга эга ва бугунги кунга қадар қисман ўрганилган. Олиб борилаётган тадқиқот лимон кўчатларини кўпайтиришда жуда долзарбдир.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий изланишлар Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот-институти ва Тошкент давлат аграр университетининг кичик ўқув тажриба хўжалигининг экспериментал базасида олиб борилади. Изланишлар лимоннинг маҳаллий навларидан “Ташкентский” ва “Юбилейний” навларида ўрганилди.

Изланишлар олиб бориладиган кўчатзорни умумий майдони – 0,01 гектарни ташкил қилади. Яшил қаламчалар бир йиллик навдвлардан тайёрланиб махсус ўстирувчи моддалар билан 8-10 соат давомида ишлов берилди. Қаламчалар махсус тайёрланган субстратларга, сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмада 10×7 см схемада 27 апрел куни экилди.

Танланган мавзу бўйича илмий ишни дастурига ўрганиш учун қуйидаги масалалар қўйилган бўлиб, буларга: лимон яшил қаламчаларида каллус ҳосил бўлиш фазаларини кузатиш (ҳар 10 кунда); қаламчаларда илдиз ҳосил бўлиши фазаларини аниқлаш (ҳар 10 кунда); қаламчаларда ёппасига илдиз ҳосил бўлиш фазаларини аниқлаш (ҳар 10 кунда); қаламчалардаги куртакларни уйғониш ва ўсиш жараёнларини кузатиш (ҳар 10 кунда). Кузатув ва тадқиқотлар ҳар бир ўрганилаётган маҳаллий навларда ва ҳар бир вариантларда 10 донадан ажратиб олинган қаламчаларда санаш ва ўлчаш орқали ҳисобга олиб борилади.

**Тадқиқот натижалари.** Тадқиқотни ўтказиш жараёнида қуйидаги она кўчатзорда цитрус ўсимликларининг биологик хусусиятлари ва морфологик белгилари, лимон яшил қаламчаларини илдиз олиш жараёни кечишида қаламчаларнинг узунлиги, унинг комбинацион нисбати ҳамда илдиз отиш жараёни ва илдиз тизимининг ривожланиши ўрганилди.

Тадқиқотлар 4 та вариантда олиб борилган бўлиб, 1-чи вариант – 7 см назорат, 2-чи вариант 10 см, 3-чи вариант 15 см ва 4-чи вариант 20 см қилиб олинди (жадвал).

Вариант	Қаламчаларда каллус пайдо бўлиши, кун/ой	Қаламчаларни илдиз олиши, кун/ой	Қаламчаларни куртакларини бўртиши, кун/ой
7 см (наз.)	07/V	15/V	8/VII
10 см	09/V	16/V	10/VII
15 см	06/V	11/V	5/VII
20 см	11/V	17/V	11/VII

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики қаламчаларда каллус пайдо бўлиши энг олдин 3-чи вариант 15 см қилиб олинганда 6 майга тўғри келди. Яъни назоратга нисбатан бир кун олдин. Қолган иккита вариантда бири-бирига мос равишда икки кун фарқ билан назоратга

нисбатан 2-4 кун кечроқ каллус пайдо бўлгани аниқланди.

Қаламчаларнинг илдиз олиши ва куртакларининг бўртиши ҳам бошқа вариантларга қараганда олдинроқ бўлгани кузатилди, яъни қаламчаларнинг илдиз олиши назоратга нисбатан 4 кун олдин, куртакларининг бўртиши эса 3 кун олдин бошланди.

**Хулоса.** Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, лимон ўсимлигининг яшил қаламчаларидан кўчатини етиштиришда тайёрланган қаламчаларнинг узунлиги уларнинг илдиз олиш тизими ва куртакларининг бўртишига сезиларли фарқ қилгани аниқланди. Демак, қаламчаларни тайёрлашда 15 см қилиб, сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмада экилса сифатли ва стандарт кўчатлар олиш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Фахрутдинов Н.З., Остроухова С.А., Муминов Н.Н. Выращивание саженцев цитрусовых культур в условиях тумана. – // Научные труды Таш СХИ. Интенсивные приемы размножения и возделывания плодовых культур и винограда. – Т., 1989.

2. Фахрутдинов Н.З. Саженцы лимона в туманообразующей установке// Сельское хозяйство Узбекистана. Т., 1990. №2.

3. Фахрутдинов Н.З. Цитрус ўсимликлар яшил қаламчаларининг турли муддатларда илдиз олиши. Тошкент Давлат Аграр Университети илмий асарлар тўплами. – // Мевали ўсимликлар ва тоқларни кўпайтириш усуллари. – Т., 1993.

**УЎТ. 634.11, 634.21.**

### **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ ВА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН ЎРИК НАВЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА АЖРАТИШ**

**Қаршиев А.Э.**

*Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик,  
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти*

**Кириш.** Ўзбекистон шароитида етиштириладиган мевалар азалдан ўзининг мазаси ҳамда сифатининг юқорилиги билан машҳур. Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда етиштириладиган мевалардан қайта ишланган маҳсулотлар ҳам сифати юқорилиги билан ажралиб туради (қуритилган мевалар, шарбатлар, қиёмлар, ва ҳ.к.). Ўзбекистон боғдорчилиги ва узумчилиги даражаси замонавий боғдорчилик ва узумчилик талабига тўла жавоб бермайди. Демак, мамлакатимизда замонавий боғдорчилик ва узумчилик технологияларини қўллаб, боғдорчилик ва узумчилик самарадорлигини, ҳосилдорлигини ва майдонларини ошириб боришимиз зарур [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли “2016-2020 йиллар давомида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2020 йилда 3380 минг тонна мева ва 1830 минг тонна узум ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу қийин, аммо бажарилиши мумкин

## МУНДАРИЖА

	Саимназаров Ю.Б., Акромов У.И. Республикада мевачилик ва ва узумчиликни ривожлантиришида Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ҳиссаси	4
	Дорохова Е.А. Рихард Рихардович Шредер .....	7
	<b>1-шўъба.БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ</b>	
1.	Абдуллаев Р.М. Тошкент вилояти шароитида олтинсимон қорағат навларини ўрганиш .....	11
2.	Нормуратов И.Т., Намозов И.Ч. Тошкент вилояти шароитида олманинг маҳаллий навларини паст бўйли пайвандтагда кўчатини етиштириш .....	14
3.	Якубов М.М., Акромов У.И., Фазилов З.И., Мирзаев А.Э. Ўзбекистонда ноёб ўсимлик пекан дарахтини етиштириш .....	17
4.	Абдуллаева Х.Р. Перспективные сорта земляники .....	22
5.	Ражаметов Ш.Н., Қосимов А.А. Олтинсимон қорағат навларида сув танқислигини ўрганиш .....	25
6.	Караходжаева Г.М, Бобоева Х.А. Пакана бўйли маҳаллий ва интродукция қилинган пишиш муддатлари турлича бўлган олма навларини ўрганиш .....	28
7.	Тўрақулов М.А., Эгамбердиев П.Э., Акромов У.И. Сирдарё вилояти тупроқ шароитида мевали боғлар самарадорлигини аниқлаш ва танлаш .....	32
8.	Якубов М.М., Назарова Д.Қ., Бобоева Х.А. Интенсив олма боғлари фенологик фазаларининг ўтишига иқлим шароитларини таъсири .....	35
9.	Агзамходжаев Ж.Б., Акромов У.И. Цитрус ўсимликларни кенг хандақларда ўстириш учун навларни танлаш .....	38
10.	Бобоева Х.А., Назарова Д.Қ., Тошбоев Ш. Пакана бўйли М-9 пайвандтагида ўстириладиган олма навлари экиш схемаларининг биометрик ўлчов натижаларига таъсири .....	41
11.	Худойбердиев И.А., Эрматов В.А., Эгамбердиев П.Э. Инновацион технологияларни мевали боғларни суғоришда қўллашнинг маҳсулот сифати ва сув сарфини камайтиришдаги ўрни .....	45
12.	Караходжаева Г.М, Бобоева Х.А. Маҳаллий ва интродукция қилинган олма навлари баргларида сув танқислигини аниқлаш .....	48
13.	Исмоилов Б.Х., Ғаниев Р.Р., Караходжаева Г.М. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда халқаро стандартлар асосида сифат ва хавфсизликни таъминлаш .....	51
14.	Баратова Х., Исмоилов Б.Х. Европа мамлакатларига экспорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари учун Европа иттифоқининг қонун ҳужжатлари талаблари .....	56
15.	Мамадалиев Д. Мевали дарахтларни ёзги кесиш афзалликлари .....	59
16.	Маҳмудов А., Машрапов А., Мамадалиев Д. Шафтоли боғларини парваришда янги усул .....	60
17.	Саимназаров Ю., Мамадалиев Д. Олма меваларини сийраклаштириш	64
18.	Бўстонов З., Мамадалиев Д., Алиев Х., Мусаев И. Ўзбекистонда интенсив боғдорчилигида пакана бўйли беҳи ва нок пайвандтагларини танлаш .....	68
19.	Мирзахидов Ш., Байжанов У. Гилоснинг истиқболли навлари .....	70
20.	Бўстонов З., Ҳамдамов К., Бўстонова О. Беҳи ва нок учун паст бўйли пайвандтаглар етиштириш .....	71